



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 6 сентябрь, № 177 (6871) Чоршанба

Сайтнинг QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

Дўстлик ва ўзаро ишончга асосланган ҳамкорлик

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоевнинг таклифига биноан 5 сентябрь куни давлат ташрифи билан ушбу мамлакатга келди.



Бишкек, 5 сентябрь. ЎЗА махсус муҳбири Абу Бакир УРОЗОВ хабар қилади.

Бишкек шаҳридаги «Манас» халқаро аэропортида мамлакатимиз Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбарини Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев кутиб олди. Икки давлат байроқлари билан безатилган аэропортда олий мартабали муҳом шаарафига фахрий қоровул саф тортиди.

Сўнгги вақтларда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги аёнанавий ҳамкорлик янада бойиб, ўзаро алоқалар сезиларли равишда фаоллашди. Давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари, ҳукуматлар ва ҳудудлар даражасида делегациялар ташрифи амалга оширилди. Халқларимиз азалдан бир дарёнинг икки қирғоғида, яқин қўшни сифатида яшаб келган. Тарихимиз умумий, маданий ва диний қадриятларимиз муштарак, аёнана ва урф-одатларимиз ўхшаш. Машҳур адиб Чингиз Айтматов айтганидек, «Халқларимизнинг қони бир, тили бир».

қароргоҳида Президентларнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш истикболлари, мамлакатларимизнинг чегараолди ҳудудлари алоқаларини фаоллаштириш, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинди. Президентимиз Қирғизистон Республикаси Президентига самимий қабул ва Ўзбекистон делегациясига кўрсатилган юксак эҳтиром учун миннатдорлик билдирди.

Халқларимиз ўртасида тарихан шакланган қардошлик ва аҳил қўшничилик муносабатларини юксак қадраймиз. Айнан мана шу муносабатлар икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда, деди давлатимиз раҳбари. Алмазбек Атамбоев Шавкат Мирзиёевни Қирғизистонга давлат ташрифи билан қутлаб, бу икки давлат ўртасида олий даражадаги мулоқотларнинг мантқий давоми, томонларни қизиқтирган масалаларни муҳокама этиш учун қўлай имконият эканини таъкидлади. Икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини қайд этди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари музокаралари расмий делегациялар иштирокида давом эттирилди. Музокараларда икки ва кўп томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди. Сиёсий, савдо-иқтисодий, сарможий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш хусусида атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақаси асосий йўналиш сифатида устуворлик касб этади. Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоевнинг ўтган йил декабрь ойида Самарқандга ташрифи бугунги мулоқотларга дебона бўлиб, музокара «Самарқанд учрашуви руҳи» асосида давом эттирилди.

2017 йилнинг ўтган даврида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 60 фоиз ўсди. Учрашувда Президентлар сув ресурсларидан давлатларимиз умумий манфаатларига мос равишда оқилол ра фойдаланиш борасида ҳам келишиб олди.

Икки давлат раҳбарлари аввалги мулоқотларида минтақда самарали транспорт йўлларини ривожлантириш, Қирғизистон ҳудуди орқали Хитой билан боғлайдиган қисқа масофали темир йўл барпо

этиш бўйича музокаралар олиб борган эди. Бу галги учрашувларда унинг ҳуқуқий асосларини яратишни жадаллаштириш бўйича келишиб олинди.

Қисқа вақт ичида ҳудудларимиз ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланди. Қирғизистоннинг Баткен, Жалолобод, Ўш вилоятлари вакилларининг Андижон шаҳрига, Ўзбекистон делегациясининг Ўш шаҳрига ташрифи амалий натижалар тасдиқидир.

Икки давлат ўртасида маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорлик, дўстлик ва қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу маънода, жорий йил февраль ойида Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Ўш давлат ўзбек мусикали академик драма театрининг Фарғона водийсига ижодий сафарини, июнь ойида эса Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театри жамоасининг Ўш, Ўзган, Аравон, Новқат, Қорасув, Жалолобод шаҳарларига ижодий сафарини алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбекистон кўмағида Ўш шаҳрида қурилаётган умумтаълим мактаби халқларимиз дўстлигининг ёрқин намунаси бўлди. Мазкур мактаб замонавий ўқув жиҳозлари ва анжумлари, дарсликлар, бадиий адабиётлар билан таъминланади. Жорий йил октябрь ойида Қирғизистонда Ўзбекистон маданияти кунлари, 2018 йил Ўзбекистонда Қирғизистон маданияти кунларини ўтказишга келишиб олинди.

Яқинда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивалида Қирғизистон вакиллари муваффақиятли иштирок этиб, иккинчи ўринни қўлга киритди.

Бугун Ўзбекистонда 300 мингга яқин қирғиз миллатига мансуб юрдошларимиз истиқомат қилади.

Уларнинг ўз маданияти, тили, аёнана ва урф-одатларини ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. 6 та қирғиз миллий маданий маркази фаолият кўрсатмоқда, 56 мактабда таълим қирғиз тилида олиб борилади.

Музокаралар ўзаро муносабатлар изчил ривожланаётгани ва устувор йўналишлар бўйича ҳамкорликнинг истиқболли порлоқ эканини ёрқин намойиш этди.

Музокаралар якунида Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида Қўшма баёнот ва Ўзбекистон — Қирғизистон давлат чегараси тўғрисида шартномани имзоладилар. Андижон ва Ўш, Тошкент ва Бишкек шаҳарлари ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда Қўшма баёнот тўғрисида, икки давлат Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида, Солиқ қонунчилиги рўя қилиш масалалари бўйича ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида, Минтақаларо ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро, илмий-техникавий ҳамкорлик, Олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битимлар, Чегарадош минтақалар ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича 2017 — 2019 йилларга мўлжалланган қўшма тадбирлар режаси, Парламентлараро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ва бошқа муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев музокаралар ўзаро ҳурмат, ишонч ва амалий руҳда ўтганини, эришилган тарихий келишувлар Ўзбекистон — Қирғизистон ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА.

Елқин ШАМСИДИНОВ олган сурат.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлинмаси директори Р. Коменда бошчилигидаги делегация мамлакатимизда бўлиб турибди.

БМТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Ташрифдан мақсад инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини муҳокама қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Сенати Кенгашининг жорий йил 16 июндаги Қўшма Қарори билан қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича Харакатлар режасида белгиланган тадбирларни биргаликда амалга оширишдан иборат.

Марказий Осиё мамлакатларида инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича стратегия, дастур ҳамда чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳукуматлар ҳамда фуқаролик жамияти, жумладан, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар салоҳиятини мустаҳкамлашда ҳукуматлар, ҳукуматлараро ташкилотлар, фуқаролик жамияти, хусусий сектор ва БМТ шериклари ўртасида ҳамкорликни амалга ошириш масалалари билан шуғулланади.

Демократик маконни кенгайтириш, халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш механизмлари самардорлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро норма ва стандартларни ривожлантириш, қонун устуворлигини таъминлашга қўмаклашиш масалалари 2014 — 2017 йиллардаги фаолиятнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий бўлинмаси 2008 йилда Бишкек шаҳрида очилган бўлиб, унинг фаолияти Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистонни қамраб олган.

(Давоми 2-бетда).

Давлат бюджети:

ХАРАЖАТ ВА ДАРОМАДЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Уларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда давлат мақсадида жамғармалари бюджетларининг 2017 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот атрофлича кўриб чиқилапти.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Чунончи, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида Харакатлар стратегиясида белгиланган вазифалар рўйбунини, хусусан, Давлат бюджетининг барча даражасида мутаносибликни таъминлаш, солиқ юкини камайтириш ҳамда солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш каби тадбирлар шу

йилнинг биринчи ярмида иқтисодийни барқарор, мувозанатлаштирилган ҳолда ривожлантиришни кафолатлагани қайд этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмагани бунинг амалий ифодасидир.

Оқиб ва конструктив руҳда ўтган йиғилишда Давлат бюджети даромад қисмининг бажарилишига тўхталиб ўтилди. Таъкидланганидек, Давлат бюджети даромадлари ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 17,6 фоиз ўсди. Иқтисодиётимизга солиқ юкини камайтириш борасида қабул

қилинган тадбирлар ўз самарасини бераётгани алоҳида айтиб ўтилди.

Давлат бюджетининг харажатлар бўйича ижроси ҳам депутатлар томонидан қизгин муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, мазкур саъй-харажатлар аҳоли бандлиги ҳамда реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, арзон уй-жойлар барпо қилиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани қўллаб-қувватлаш ва модернизациялаш бўйича мақсадли дастурларни рўйбунга чиқариш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ҳамда спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш каби бюджет параметрларида белгиланган асосий йўналишларга қаратилди.

(Давоми 2-бетда).

МУНОСАБАТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ, юридик ва жисмоний шахслар томонидан чет эл валютаси жорий халқаро валюта операцияларини амалга ошириш учун банкларда эркин сотиб олиниши ҳамда сотилиши кафолатланади.

Иқтисодий тараққиётимизда муҳим босқич

Бугун мамлакатимизда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш орқали унинг рақобатдошлигини ошириш, чет эл инвестициясини кенг жалб этиш, экспорт ҳажминини кўпайтириш ва жуғрофиясини кенгайтиришга қаратилган кенг қўламли ишловлар олиб борилапти. Бинобарин, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ушбу саъй-харажатлар Ўзбекистонни дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаш, халқимиз турмуш сифатини оширишга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Айтиш жоизки, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривож-

лантириш дастурлари доирасида 13 минг 339 та лойиҳа рўйбунга чиқарилган, 2,1 трлн. сўмлик кредитлар ўзлаштирилиши ва баробарида, 10 та эркин иқтисодий зона, 5 та кичик саноат зонаси ташкил қилинди. Қолаверса, «Peugeot» ҳамда «Citroën» бренди билан энгил тижорат автомобилларини ишлаб чиқариш бўйича завод, Жиззах нефтини қайта ишлаш мажмуаси барпо этилмоқда. Бундай йирик ва истикболли лойиҳалар ижроси учун замонавий технология ҳамда жиҳозларни олиб келиш, инвесторларга кафолатли ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий механизмларни, жумладан, бозор талаблари асосида шаклландирилган валюта сиёсатини ҳаётга жорий қилиш, иқтисодиётнинг шаффоқлигини ошириш жуда муҳим ўрин тутди.

(Давоми 2-бетда).

ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ РАҚАМЛАРДА

Харакатлар стратегиясига мувофиқ, ижтимоий соҳада фақатгина жорий йилнинг биринчи ярмида

2700 КИЛОМЕТР АВТОМБИЛЬ ЙУЛЛАРИ

КУРИЛДИ ВА ТАЪМИРЛАНДИ.

84 300

ТА ИШ ҲРНИ ЯРАТИЛДИ.

